

Бахтиёр КАСИМОВ

O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни таъминлашнинг методологик асослари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинди. Банк молиявий барқарорлигини таъминлашда юридик ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар бўйича шакллантирилган захиралар, захира миқдорига чегара белгилаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, банк тизими, молия хизматлари, трансформация, чакана хизмат.

WAYS TO INCREASE THE FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS

Abstract. The methodological foundations of ensuring the financial stability and soundness of commercial banks were scientifically studied by economists. Scientific proposals and practical recommendations were formulated on establishing limits on the amount of reserves formed for loans to legal entities and individuals in ensuring the financial stability of the bank.

Keywords: commercial banks, banking system, financial services, transformation, retail service.

Кириш

Жаҳонда банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва ошириш орқали хорижий инвесторларни жалб қилиш, банкларни халқаро молия-банк бозорларига чиқишини таъминлаш, халқаро тан олинган компанияларнинг рейтингларига эришиш, молиявий барқарорлик методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро валюта фонди ҳисоботида кўра —АҚШда 2023 йил 4 та тижорат банки (Silicon Valley Bank, Signature Bank, First Republic Bank, Heartland Tri-State Bank) банкротга учраб, уларнинг умумий активлари 548,6 млрд АҚШ доллари, депозитлари суммаси 367,6 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Швейцариянинг энг йирик банкларидан бири бўлган Credit Suisseдан 68,6 млрд АҚШ доллар миқдоридagi соф активларининг чиқиб кетиши кўзатилди. Швейцария миллий банки (СНБ) Credit Suisse банкнинг қисқа муддатли ликвидлигини фавқулодда қўллаб-қувватлаш учун 54 млрд АҚШ доллари ажратди. Натижада ЎБС банки томонидан Credit Suisse 3,2

млрд доллар эвазига сотиб олинди. Банк тизими барқарорлигини таъминлаш, унинг аниқ меъёрларини ўрнатиш, банк тизимини жаҳон молия тизимига интеграциялашувини жадаллаштириш ҳамда молиявий барқарорлигини ошириш орқали банк тизимига бўлган ишончини оширишни тақозо этмоқда.

Банкнинг ўз капитали банк фаолиятининг энг муқим асоси бўлиб, у банкни ташкил қилишда хужалик ва молиявий фаолиятни молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Келажакда банк капитали ривожланишни таъминлайди, рискларни қоплаш манбаи сифатида ишлайди. Банкларнинг ўз капитали банк сектори барқарорлигини ва унинг ривожланишини таъминлайди.

Банкнинг ўз капитали бу банкни ташкил этиш жараёнида шаклланган ва кейинчалик ички ва ташқи манбалар ҳисобидан тўлдириладиган капиталдир. Банк капиталининг асосий функциялари одатда ҳимоя, операцион ва тартибга солиш функциялари билан ажралиб туради.

Адабиётлар шарҳи

Соҳа бўйича иқтисодчи олимлардан Л.Лавен ва Г.Майнони [1] фикрича, —иқтисодий оёсиш даврида молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш учун етарли резервлар яратадиган банклар иқтисодий таназзулнинг салбий оқибатларини минималлаштириши ва кредит таклифини юқори даражада сақлаши мумкин. Ушбу фикр-мулоҳазалар оғринли бўлиб, банкларнинг инқироз шароити учун резервларни шакллантириб бориши ва уларнинг ҳисобидан зарарларни камайтириш банкларнинг барқарорлигини сақлаб қолишга хизмат қилади. Лекин, банклар томонидан ҳар доим ҳам кредит таклифларини юқори даражада сақлаб туришга хизмат қилавермайди. Чунки, глобаллашув даврида битта субъект, айниқса, тижорат банкларнинг инқироз билан боғлиқ ҳолатлари иқтисодийотининг турли соҳа ва тармоқларидаги субъектлар фаолиятига таъсир қилади. Шу сабабдан ҳам, юқоридаги қарашни нисбий жиҳатдан талқин қилиш оғринли бўлган бўлар эди.

К.Суровнева[2] илмий ишларида банкнинг молиявий ҳолати унинг қолган барча соҳаларидаги фаолиятига, шунингдек, молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади. Банкнинг молиявий барқарорлиги унинг ликвидлилиги билан узвий боғлиқдир, дея фикр билдирган. Тижорат банкларининг барқарорлиги мамлакатда банк соҳасида амалга оширилайотган ислохотлар ҳамда банк тизимини бошқариш билан боғлиқ қарорлар тижорат банакларининг молиявий барқарорлигига таъсир қилиши мумкин.

Маҳаллий иқтисодчилардан Ш.Абдуллаева[3] тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини баҳолаш механизмининг тизимли усуллардан фойдаланган ҳолда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш зарур, деб таъриф берган. Ушбу олим томонидан илгари сурилган ғояда

тижорат банкларининг ликвидлилиги ҳамда молиявий барқарорлигини баҳолашда тизимли усуллардан фойдаланиш назарда тутилган. Лекин, баҳолаш механизмлари сифатида айнан қайси мезонларни эътиборга олиш, баҳолашнинг тартиби ва кетма-кетлиги аниқ очиб берилмаган.

Тадқиқот методологияси

Тижорат банклари молифвий барқарорлигини такомиллаштиришга доир мазкур тадқиқотни амалга оширишда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, таққослаш, индукция ва дедукция методлари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда ўз капиталининг киймати ушбу молия институтларининг юқотишлари айнан капитал ҳисобига қопланиши лозимлиги билан белгиланади. Кўзда тутилмаган юқотишларни қоплаш учун етарли бўлган капиталнинг мавжудлиги кредит ташкилотларига ноқулай вазиятда тулов қобилиятини саклаб қолиш, омонатчилар ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш имконини беради.

Аммо банк амалиётида барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ айрим муаммолар қанўзгача сакланиб қолинмоқда. Ана шундай муаммолардан бири банк капитал базасининг мустаҳкам эмаслиги, капиталнинг диверсификация даражасининг юқори эмаслиги ва капитални бошқариш самарадорлиги сифатининг пастлиги ҳисобланади. Хусусан, банк капитали таркибида қўшимча капиталнинг улуши никоятда паст бўлиб, жами капиталга нисбатан охириги йилларда ўртача 1 фоизни ташкил этади. Қўшимча капитал банкларнинг умумий капиталини қисқа вақт ичида қўпайтириш имконини берадиган, банк фаолиятини ривожлантиришда арзон ресурс, актив операцияларни амалга оширишда барқарор молиялаштириш манбаи уисобланишини эътиборга олсак, мазкур ҳолат банк капиталини бошқариш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Банк капитали банкнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлайди, йўзага келиши мумкин бўлган юқотишларни қоплаш учун қўлланилади, шунингдек, банк фаолиятининг молиявий асоси ва ресурслар манбасини ташкил қилади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталининг таркиби,

фоизда [4]

Кўрсаткичлар	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023
Устав капитали	73,7	82,1	76,5	77,2	75,2
қўшимча капитал	0,3	0,3	0,7	1,0	1,3
Захира капитали	11,0	7,5	8,9	11,9	9,2
Таксимланмаган фойда	14,9	10,1	13,8	9,9	14,3
Жами капитал	100	100,0	100	100	100

Банк тизими капитал базасини таҳлил қиладиган бўлсак, устав капитали мутлак катта улушга эга бўлиб, таҳлил қилинган даврда 70 фоиздан юқори. Қўшимча капиталнинг улуши эса деярли сезиларсиз ауамиятга эга бўлиб, 0,3-1,3 фоизни ташкил қилади. Ҳисоб уюшма банк тизими капитал базаси заиф эканлигидан ва қўшимча капитал даражасини ошириш лозимлигини аниқлатади.

Мазкур муаммони банкларда чегирмалардан сўнг I даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар асосида қўшимча капитали ҳажмини 15 фоизга ошириш орқали ҳал қилиш мумкин. Банк капитали банкнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлайди, йўзага келиши мумкин бўлган юқотишларни қоплаш учун кулланилади, шунингдек, банк фаолиятининг молиявий асоси ва ресурслар манбасини ташкил қилади.

Банк капиталини бошқаришнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

рискларни қоплаш учун капитал етарлилигини таъминлаш;

мақсадли капитал етарлилиги коэффицентини белгилаш ва унга риоя қилиш;

банк акциядорлари учун зарур бўлган капитал рентабеллигини таъминлаш;

банк капиталидан самарали фойдаланиш учун ресурсларни тақсимлаш; инқироз вазиятида капиталнинг етарлилигини таъминлаш.

Банк капиталини тўғри бошқариш ва тақсимлаш банкларда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни пасайтиради, банк харажатларини камайтириш имконини берганлиги боис банкнинг даромадлари кўпайишини таъминлайди, молиявий барқарорлигини оширишга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида,

банкнинг рентабеллик кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, капитални тўғри бошқариш банкларда рискларни олдини олиш имкониятини беради. Банк рисклари барқарорликка тўғридан тўғри таъсир этувчи асосий омиллардан биридир. Банк капиталини самарали бошқариш доирасида капитални режалаштириш, капитал қийматини бошқариш, меъёрий капитал билан операциялар, капитални тақсимлаш, капитал етарлилигини мониторинг қилиш ва баҳолаш; капитал етарлилигини стресс-тестдан ўтказиш, капитал етарлилигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, капитал бўйича ҳисоботларни тайёрлаш ва доимий назорат кабиларни амалга оширади.

Банклар капитал базаси барқарорлигини таъминлашда мавжуд иқтисодий-молиявий вазиятни, банк тизимидаги мавжуд рискларни ва молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, капитал етарлилиги коэффицентини ошириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур рисклар муаммоли кредитлар суммасининг йириклиги, банклар фаолиятида зарарнинг вужудга келиши, активлар риск даражасининг ўсиши, фоиз ставкалари бўйича номутаносибликнинг юзага келиши кабиларни ўз ичига олади.

Хулоса

Банк тизими барқарорлигини таъминлашдаги яна бир асосий муаммолардан бири банк тизими ликвидлилиги кўрсаткичининг барқарор эмаслиги ва катта диапазонда ўзгариши ҳисобланади. Ҳам бу ҳолат банк тизими ликвидлилигини бошқаришда муаммолар борлигини кўрсатади.

Банк тизимининг асосий барқарорлик кўрсаткичларидан бири бу ликвидлилик кўрсаткичлари ҳисобланади. Банк ликвидлилиги банк активлар ўсишини молиялаштириши ва кўзда тутилмаган (номақбул) юқотишларсиз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлашни билдиради. Ликвидлиликни бошқариш банкнинг актив, пассив ва рискларни бошқаришда асосий жараён ҳисобланади.

Банклар ҳар йили ликвидлиликни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқади. Мазкур ҳужжат банк ликвидлилигини бошқаришнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари, ликвидлиликни бошқариш жараёнини ташкиллаштириш ва функцияларини белгилайдиган ҳамда банк ликвидлилигини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминлайдиган ва банкнинг таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштирадиган ҳужжатдир.

Ликвидлилик сиёсатининг асосий мақсади банк фаолиятини ташкиллаштирган ҳолда мижозлар ва кредиторларнинг олдида бўлган жорий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш ҳамда мавжуд бўлган ресурслардан самарали, юқори даражада фойдаланилган ҳолда мижозларни

кредит ресурслари билан таъминлаш, шунингдек амалдаги конунчилик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва халқаро молия институтлари томонидан ўрнатилган нормативларга риоя қилиш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Mukhsinovna, K. J. (2024). FOREIGN EXPERIENCE ON INCREASING THE STABILITY OF THE BANKING SYSTEM. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development, 25, 98-102.
2. Semenova N. N., Ivanova I. A., Vasilkina A. A. Otsenka ustoychivosti razvitiya kommercheskogo banka na osnove metoda analiza ierarxiy. Finansy: teoriya i praktika. 2021;25(4):121-135 s.
3. Абдуллаева, Ш. Р. (2016). Повышение роли коммерческих банков в и инвестиционном развитии национальной экономики. Потенциал современной науки, (3), 63-66.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти. www.cbu.uz